

# Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

22 апрель, сешанба, 1997 йил  
Сотувада эриш нархи. № 87 (1604)

## МАЪНАВИЙ ТАРБИЯГА ЭЪТИБОР

Республика Вазирлар Мақамаси Хотин-қизлар ишлари мажмуисининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Ғуломова бошқарди.

Мажлиса Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хотин-қизлар билан ишлаш шўъбаларининг шу йил биринчи чорагидаги фаолияти натижалари ҳамда уларнинг мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда оилада маънавий тарбияни кучайтириш борасида олиб бораётган ишлари муҳокама этилди. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш юзасидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Айни вақтда оила мустаҳкамлигини таъминлаш, шарқона ахлоқ-одоб ва маданиятни тарғиб қилишда муҳим тадбирларни амалга ошириш зарурлигига эътибор жалб этилди. (ЎЗА).

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISIDA

21 апрель кuni Тошкентда Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни ишчи гуруҳининг раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров

олиб борди. У таъкидладики, биринчи мажлисдан кейин ўтган даврда депутатлар ишчи гуруҳининг аъзолари Олий Мажлисининг Котибияти билан биргаликда саккизинчи сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ катта иш олиб борди. Бугунги кунга келиб, сессиянинг кун тартибига

тавсия этилаётган барча қонун лойиҳалари депутатларга юборилди. Айни пайтда кўмиталар ва комиссияларда қонун лойиҳаларини ўрганиш ва муҳокама қилиш давом эттирилмоқда. Ишчи гуруҳининг мажлисида сессия материалларининг тайёрланишини ташкил этиш, унинг ишини ом-

мавий ахборот воситаларида ёритиш, ташкилий масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Бу борада амалга оширилган ишлар тўғрисида кичик гуруҳларнинг раҳбарлари У. Хошимов, Г. Б. Йулдошева, И. А. Кочмарик ахборот берди. Сунгра Олий Мажлис кўмиталарининг раислари саккизинчи сессия муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳаларининг қай даражада тайёрлиги тўғрисида аниқ маълумот берди. Олий Мажлисининг кўмиталари ва таркибий бўлинмаларидаги ишлар давом эттирилмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISINING SAKKIZINCHI SESSIASI OLDIDAN

### ҚОНУНЧИЛИК ИШИ СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Аввал маълум қилганимиздек, 24 апрель кuni Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз ишини бошлайди. Таркиб топган аъёнага мувофиқ, бу сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун депутатлар ишчи гуруҳи тузилган эди. Бу гал Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров ишчи гуруҳи раҳбари этиб сайланди. Сессия арафасида тахририятимиз гуруҳ раҳбарига мурожаат этиб, парламент муҳокамасига киритилаётган масалаларнинг моҳияти, бу масалалар ўстида ишлаш вақтида юзага келган янги ташкилий жиҳатлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

фаолиятларининг шакл ва услубларини янада такомиллаштиришни, янги ёндашувлар ва уларга мос келадиган иш тартибларини талаб қилади. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси алоҳида аҳамиятга молик ва ибратлидир. Сессия иши учун таклиф этилаётган кун тартибига биринчи бўлиб «Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги муҳокамаси турибди. Бу чуқур раъсий матнога эга, зеро, 1997 йил — Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган. (Давоми 2-бетда).

Мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи органи — Олий Мажлисининг ҳар бир сессияси Ўзбекистон Республикаси миллий давлатчилигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда, унинг демократия, бозор иқтисодиёти, жамиятнинг маънавий янгилаш ва жаҳон тизими билан интеграциялашуви йўлидаги шаддам ҳаракатида муҳим босқич бўлиб қолади.

Парламент мажлислари кун тартибининг, депутатлар муҳокамасига киритилаётган масалаларнинг ўзидек давлатимиз ва жамиятда юз бераётган туб сифат ўзгаришларнинг аниқ ифодасини намоён этади. Зеро, сессия қабул қилган ёки маъқуллаган ҳар бир қўжжат мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида рўй бераётган объектив тарихий жараёнлар ва туб ўзгаришларнинг ҳуқуқий

муҳассамидир. Сессия муҳокамасига киритилаётган масалалар юз бераётган ўзгаришларни ифода этиш ва қонунлар орқали мустаҳкамлаш билан бир вақтда истиқбол учун ҳуқуқий йўл очиб беради, мамлакатимиз тарққиёт ва фаровонлик йўлида янада муҳим қадам қўйишига кўмаклашади. Қоида тариқасида, янги вазифалар қонун чиқарувчилардан ўз

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SAKKIZINCHI SESSIASINING OCHILISHI TUGRISIDA

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 1997 йил 24 апрель кuni соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI DEPUTATLARI DIKQATIGA

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 23 апрель кuni соат 9 дан 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойсидида рўйхатга олинади.

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР БЛОКИ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ OLIY MAJLIS DEPUTATLARI DIKQATIGA

Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши ХДП Марказий Кенгашининг мажлислар залида бўлиб ўтади. Ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки ҳамда «Адолат» социал-демократик партиясининг фракцияси Олий Мажлисида йиғилади. «Ватан тарққиёти» партияси фракциясининг йиғилиши шу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида ўтказилади. Депутатлар партия фракцияларининг ҳамда блокларнинг йиғилишлари 23 апрель кuni соат 11.00 да ўтказилади.



Тахминан 328 метр узунликда кўприк қуриши қарор қилинди. У битса, Қорақалпоғистон пойтахтини Хужайли шаҳри билан боғлайди. С.РАҲИМОВ кўришди. А. МУРТОВ ойна сурат.

## ОМИЛЛАР НАТИЖАСИ

Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасида 21 апрель кuni қора ва рангли металл парчалари ва чикитларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга топшириш масалаларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, республика комиссиясининг раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлиса вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди. Илнинг биринчи чорагида металл парчалари тайёрлаш ишларининг яқини, яқин вақтдаги ва келажакдаги вазифалар кўриб чиқилди. Илнинг биринчи чорагида қора металл парчалари тайёрлашнинг режалаштирилган ҳажми 113 фоиз, рангли металл парчалари ва чикитлари тайёрлаш ҳажми 104 фоиз бажарилгани айтилди. Бу эса, Бекобод металлургиясининг бир неча ой давомида барқарор ишлашини таъминлайди, бинобарин, «Ўзметкомбинат» республика қурилишлари ва корхоналарини ўз маҳсулотлари билан аввалгидек барқарор таъминлаб туради. Белгиланган режаларнинг бажарилгани

жойлардаги саъй-ҳаракатлар билан, металл парчалари тайёрлаш нархини ошириш ва муқофотлаш тўғрисидаги янги қоида жорий этилгани билан боғлиқлиги таъкидланди. Иккиламчи металл хомашёсини тайёрлаш давлат иқтисодиётини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси эканини, бу ишни жадал сурьатлар билан ташкил этиш зарурлигини ҳар бир раҳбарга етказиш тавсия этилди. Айни пайтда металл парчаларини кўплаб топширувчиларни ҳар томонлама рағбатлантириш ҳамда бу вазифанинг муҳимлигини англаб етмаётган ношуд раҳбарларга нисбатан қаттиқ таъсир чораларини кўриш зарур. Комиссия мажлисида Тошкент вилояти ҳокими Э. Рўзиев иштирок этди. (ЎЗА).

## САТРАЛДАРДА КЮРТ НАФАСИ

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабар қилади

## БАХШИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Зомин ўлкашунослик музейида ўтказилган тадбир мухбирлар хотирасида ўзоқ сақланган бўлди. Улар миллий хонадончилик соҳиблари ва халқ бахшилари билан мулоқотда бўлдилар. Моҳир уста Омон Мўминов ясаган ноёб бешикни унинг умр йўлдоши Ойхумор ая ўзбекиона урф билан безаганда, ажойиб санъат асари пайдо бўлди. Республика танловида иккинчи ўринни олган Қайрма адир кишлоқлик Пирназар бахшининг ўғли Пиримқул бахши ўзи ясаган думбирани чашиб, ед олган элликдан зиёд терма ва достонлардан намуна сифатида «Гўрўгли» ва «Алпомиш»ни куйлади.



## ҚИШЛОҚДА КЎРГАЗМА



Республика «Камолот» жамғармасининг Богдад тумани бўлими ёш мусавирлар, нақшошлар, ўймакор усталарнинг «Истеъдод жилвоқорлари» деб номланган кўрик-танловини ўтказди. Кўргазмага кўшни туманлардан ҳам санъат илҳосмандлари ташриф бурдилар. Иқболжон Исмоиловнинг «Ука кўтарган бола» деб номланган асари ва табиат кўринишларидан олинган натомортлари кўчликка маъқул келди ва у мусавирлар ўртасида конкурс голиби бўлди. Бахриддин Убайдуллаев нақшошлар ўртасида, Зокиржон Бобоёвнинг ганчкорлик ишлари эса ўймакорлар ўртасидаги беллашувда голиб деб топилди.

## OLIY UQUV YURTI GA TANLOVSIZ KIRISHADI

Наманган вилоятидан тўққиз нафар юқори синф ўқувчиси олий ўқув юртига танловсиз кириш ҳуқуқини олди. Улар мактаб дастурдаги турли фанлар бўйича республика олимпиадаси голиби бўлдилар. Наманган шаҳридаги ўзбек-турк лицейи ўқувчилари, айниқса, ўзбек тили ва адабиёти, кимё, математика, инглиз тили каби фанлардан «чучур билым» олганликларини кўрсатдилар. Вилоят ҳокимлигида олимпиада голиблари учун тантанали қабул маросими ўтказилди. Ўқувчиларга ва уларнинг устозларига «Камолот» республика ёшлар жамғармаси вилоят бўлимининг қимматбахо совғалари топширилди.



## «ОЛИМПИА ШОН-ШУХРАТИ» МУЗЕЙИДАГИ УЧРАШУВ




Тошкентдаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида америкалик таниқли таэквандочи, машҳур спорт устаси Брюс Лининг устози ва дўсти жаноб Жон Ри билан учрашув бўлди. Жаноб Жон Ри ўз режалари тўғрисида гапириб, ҳукумат, шахсан Президент Ислам Каримов спортни ривожлантиришга жиддий эътибор бераётган Ўзбекистон билан ишончли ва самарали ҳамкорлик қилиш умидида эканини айтди. Бу ҳамкорликка Тошкент автомобиль йўллари институтида таэквандо мутахассислари — устозлар ва спортчилар учун ўтказишни мўлжаллаётган семинарда асос солинади.

## УШБУ СОНДА:

2-бет  
КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

4-бет  
ОРОЛНИ АСРАНГ, ОДАМАР!



ХОТИРА

## ЭКИЛГАНИ ЭМАС, КЎКАРГАНИ ҲИСОБ

Ёки айрим раҳбарларнинг саноатбоп теракзор ва бошқа ёғочбоп дарахтзорлар барпо этишга ўғай кўз билан қараётганлари хусусида

## ТЕРАКНИНГ МИНГ БИР ХОСИЯТИ

Гапни бироз аввалроқдан бошлашга тўғри келади. Собих Иттифок тарқалган, халқ ҳўжалигининг ҳамма соҳасида бўлганидек, иморатбоп тахта-ёғоч ва матбаа қозоғига бўлган эҳтиёжини қондириш анча мушкуллашди. Негаки, иқтисодий алоқалар издан чиқиб, Россиядан тахта-ёғоч келиши кескин камайгани устига нархини ҳам осмонга чиқариб юборишди. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида республика Ва-

- Бир гектар дарахтзор йилга 18 минг куб метр ҳавонга тозалайди. 10-20 тонна испорода ажратиб чиқаради. 50-70 тонна чангин ушлаб қолади.
- Россиядаги ёғочбоп дарахтзор 50-60 йилда, биздаги теракзор эса 8-10 йилда етпазлади.
- Бир гектардаги «Боллеана», «Бахофена» оқ теракларнинг маҳаллий навлари 1000 куб метр тахта-ёғоч беради.
- Бир куб метр терак ёғочдан 280 кило целлюлоза ёки қороз олиш мумкин.
- Эгасиз ва қаровсизликдаги 2 млн. 155 минг донга терак қаламчиси ва кўчатни юлдиз кўрмай жон бермаганда, минглаб иморатларга яраган бўларди.
- Вазоратда бир куб метр тахта-ёғочнинг нархи нега 20 минг сўмга чиқиб кетди?

зирлар Мақамаси 1994 йил 8 февралда «Саноат теракчилигини ривожлантириш

тўғрисида» қарор қабул қилди. Бунда республиканинг қурилишбоп тахта-ёғоч ва матбаа қозоғи билан 7-8 йил ичиди ўзини ўзи таъминлаш имкониятига эга эканлиги назарда тутилган. Қолаверса, ушбу қарор асосида 1994-2003 йилларга, яъни қарийб ўн йилга мўлжаллаб тузилган тадбирлар асосида теракзор ва бошқа дарахтзорлар тўласинча барпо этилса, мамлакатда ҳозир бирмунча мураккаб бўлиб турган экологик вазият ҳам анча яхшиланади. (Давоми 3-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI AXBOROTI

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 22 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан кўйидаги қийматини белгилади: /

1 Австралия доллари	46,17	1 Иранча фунти	92,55	1 Норвегия кронаси	8,46	10 Жанубий Корея вони	0,67
1 Австрия шиллинги	4,97	1 Исвицдия кронаси	0,84	1 Польша злотийси	18,99	10 Япония йенеси	4,75
1 Англия фунт стерлинги	97,40	1 Италия лираси	4,14	1 Португалия эскудои	3,46	1000 Россия рубли	10,34
10 Бельгия франки	16,94	10 Италия лесеги	4,14	1 Сингапур доллари	41,32	1 Украин гривнаси	32,32
1 Голландия гульдени	31,10	100 Италия лираси	3,53	1000 Туркия лираси	0,45	1000 Беларусь рубли	2,28
10 Греция драхмаи	2,21	1 Канада доллари	42,55	1 Швейцария франки	7,82	1 Эстония кронаси	4,69
1 Дания кронаси	9,17	1 Хитой юани	7,17	1 Швейцария франки	41,09	1 Литва лити	101,71
1 БАА дирхами	16,21	1 Кувайт динари	196,69	1 ЭКЮ	67,71	1 Литва лити	14,88
1 АКШ доллари	59,50	100 Ливан фунти	3,86			1 Козовини тенгеси	0,79
1 Миср фунти	17,58	1 Малайзия рингити	23,74			1 Қирғизистон соми	3,30
		1 Германия марксаси	34,95				

/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъзур валюталарнинг ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.





ШАХСИЙ МУЛОҲАЗА

ХОТИРА

Одамнинг бошқа жонотлардан фарқи нимада? Фарқи кўп, албатта. Лекин бири...

Инсонда хотира бўлгани учун ҳам, неча минг йиллик ўтмишни билди ва ардоқлайди, кечмишидан сабоқлар олиб...

«Хотира» сўзи аслида арабча бўлиб, минг йиллардан бери тилимизда қўлланилиб...

Хаёли сочилиш, фикри тарқоқ кишига нисбатан «хотирани» ибораси қўлланилади. Бирор кимса ёки нарса ҳақида эса...

Рухшунослик нуқтаи назаридан қаралганда, хотира руҳиятнинг ўтмиш ҳолати билан ҳозирги ҳолати ва келгусидаги ҳолатларга тайёрлаш...

Намоён бўлиш шаклига кўра, хотира ҳис-туйғуни эса тутиш, нарсаларнинг тасвири ва хусусиятларини эса тутиш, нарсаларнинг...


хотирлаш бобида мустақиллик йилларида шунчалик кўп ишлар қилиндики, буларни оддий санаб чиқилса ҳам, бир неча саҳифалик рўйхат бўлади. Бир мисол келтириш билан чекланамиз. Президентимиз фармони билан 1996 йилнинг Амир Темур йили деб эълон қилиниши, бу борда амалга оширилган тадбирлар, жумладан, Темурийлар тарихи давлат музейининг тикланиши улуг аждодларимиз билан биз -- миннатдор авлодларни узвий боғловчи хотира эмасми!

Утганларни эслаш, дилинг равшан тортиди, киши. Бу кўҳна дунё пундайки, не-не улуг зотлар келиб-кетмаган, дейсиз. Рух абдий яшар экан, инсон хотираси ҳам мангу дур.

Маълумки, инсоният тарихи -- бу курашлар тарихи, ёвузликка қарши эгуликнинг кураши тарихидур. Биз, ўзбекларнинг тарихи ҳам бундан холи эмас, албатта. Бу курашларда халқимизнинг асл фарзандлари озодлик, мустақиллик, адолат учун жон фидо қилиб, шахид ва нобуд бўлганлар. Лекин асримиздаги энг катта йўқоғиш -- 1941-1945 йиллардаги уруш туғайли эш берди. Уша машғулу уруш бошланиши арафасида Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 6 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шулардан 1 миллион 250 минг фронтга сафарбар этилди. Бу дегани жангга яроқли, яъни 18 дан 43 ёшгача бўлган деярли барча эркеклардир. Уларнинг аксарияти урушда ҳалок бўлди, бедарак-кетди ва қайтганлари ҳам ногирон бўлиб қолди. Иккинчиси жаҳон урушида республикамиздан қатнашган аскарларнинг қанчаси ҳалок бўлганини шўро давлати яшириб келди. Бир маълумотда 800 минг дейилса, иккинчи маълумотда 600 минг, учинчи маълумотда эса 400 минг, дейилади. Лекин шуниси аниқки, Ўзбекистонда уруш жафосини чекмаган оила бўлмаган. Ҳам оталаридан, ҳам бир неча ўғилларидан жудо бўлиб қолган оилалар ҳам кўп...

Дунёдан ўтиб кетган ота-оналар, яқинлар ва дўстлар хотираси доимо биз билан яшайди.

Абдуқадҳор ИБРОҲИМОВ.



Хўш, башарият бошига тушган бу фожиа қасрдан пайдо бўлди? Кечагина одамлар каломида деярли учрамайдиган «экология», «атроф-муҳит тозалиги» каби тушунчалар нега бугунга келиб нафақат кундалик суҳбатлар, балки давлатлар сиёсатидан ҳам муҳим жой олди?

Бунинг сабаблари кўп. Унга XX асрдаги илмий-техника инқилоби натижасида туркураб ривожланган саноат, «совуқ уруш» шароитида айрим давлатларнинг кимўзарга қуролланиши ва ядровий синовларни, қолаверса, ер ости ва ер устидаги табиат бойликларини тартибсиз равишда ўзлаштириш каби бошқа қўлпалаб омишларни сабаб қилиб кўрсатишимиз мумкин. Узоққа бормаёлик, биргина Орол денгизи ва унинг атрофида юзга келган экологик бухрон инсониятнинг ана шундай ноқулона ҳаракатлари натижаси экани ҳеч кимга сир эмас. Бугун нафақат Марказий Осиё, балки қўшни қитъалар халқлари ҳаётига ҳам хавф солаётган бу офат ўз қўламини билан кейинги юз йилликнинг йирик фожияларидан бирига айланади. Сатҳи 16 метрдан ҳам пасайган, суви кескин қамайган Орол дардига инсондан наҳот кутмоқда. 3,3 миллион гектардан ортиқ суви қочган ердан қўтарилган миллионлаб тонна қум-тўзон эса, сайёрамизнинг олис нуқталарига етиб бораётир. Бу муаммо кеча пайдо бўлгани йўқ, албатта. У соёқ империя бошида турган сохта раҳнамолар томонидан 70 йил давомида маҳаллий халқ манфаатлари билан ҳисоблашмай амалга оширилган сиёсатнинг оқибати экани бугунги кунда барчага аён.

Халқимиз мустақиллигини қўлга киритган, биз ҳам жаҳоннинг обрўли минбарларидан туриб юртимиз ҳақида сўзлаш имкониятига эга бўлди. Айна пайтда ҳукуматимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат, шубҳасиз, ўзигимизни таниш, сиёсий ва иқтисодий мустақиллигимизни мустақамлаш ҳамда соёқ Иттифок даврларидан мерос қолган ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб...



Олтариқ туманидаги «Эркаклар» ҳусусий корхонасининг ганж жўмакорлари устадларини қўшни республикаларда ҳам яхши билишди. СўРАТДА: корхона бошлиғи Х. Эркакое ва ишчилари Б. Сутонов, Т. ҲАМРОҚУЛ олган сўрат.

22 АПРЕЛЬ -- ОЛАМНИ АСРАШ ХАЛҚАРО КУНИ

Инсоният XXI асрга қадам қўяр экан, олдида оламни асрашдек долзарб масала кўндаланг тургани айни пайтда ҳеч кимни ажаблантирмай қўйди. Зеро, дунёнинг қайси бир минтақасига қараманг, инсон ҳаёти учун катта хавф тугдираётган экологик вазиятни бартараф қилишдек оғир муаммоларнинг ўз ечимини қўтиб турганига гувоҳ бўласиз. Бир вақтлар инсоният бошига киргинбарот урушлар етди, деган гаплар энди орқага чекингандек, унинг ўрнига ўзга бир хавфнинг пайдо бўлиши -- глобал микёсда атроф-муҳитнинг ифлосланиши одамларни беихтиёр хушёр тортдириди.

ОРОЛНИ АСРАНГ, ОДАМЛАР!



дирган эди. Тез орада Жаҳон банки, ПРООН, ЮНЕП ташаббуси билан маққур ҳудудга бир неча махсус миссиялар уюштирилди. Натижада Орол денгизи бўйича дастур қабул қилинди ва 1994 йилда Парижда бўлиб ўтган ривожланган давлатлар раҳбарлари учрашувида муҳокамага қўйилди.

1992 йил 21 сентябрь кўни Ўзбекистон Республикаси Жаҳон банкига аъзо бўлди. Шундан буён мамлакатимиз билан ушбу нуфузли ҳалқаро молиявий ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик яхши ривожланиб келмоқда. Жаҳон банки ҳам ПРООН, ЮНЕП каби...

аммоси ҳақида гапириб, маққур муаммо ўз қўламини билан бутун дунёга хавф солаётир, шунинг учун ҳам унга фақат ҳудудий муаммо деб қараш хато дур, деган эди.

Атроф-муҳитни яхшилаш, аҳоли саломатлиги ҳақида қайғуриш ҳукуматимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан биридур. Мамлакатимизда жорий қилинган биринчи давлат орденининг «Соғлом авлод учун» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Шунингдек, Олий Мажлисида қабул қилинган «Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун республикамизда табиати асраш билан боғлиқ тадбирларни ўтказишнинг ҳуқуқий мезонларини таъминлайди. Президентимиз ташаббуси билан Экология ва саломатлик халқаро жағмағрасининг (ЭКОСАН) ташкил этилиши ҳам ана шу мақсадларда қилинаётган хайрли ишларнинг биридур.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг шу йил февраль ойида Алматы шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви ҳам айнан Орол денгизи ҳаваси муаммоларига бағишланди. Учрашулда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Алматы декларацияси қабул қилинди. 1998 йили БМТ ҳомийлигида Марказий Осиёда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш йили ҳамда ушбу минтақани ядровий ҳудуд деб эълон қилиш таклифи мана шу ҳужжатда ўз ифодасини топти. Маққур таклиф, шубҳасиз, халқаро жамоатчилик томонидан қизиқтириб қолган бўлиши аниқки, экологик муаммоларнинг бартараф этилишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, инсоният олдида оламни асрашдек долзарб муаммо кўндаланг турган экан, унинг замирида Орол денгизи ва унинг атрофида юзга келган оғир экологик вазиятни бартараф қилишдек жаҳоншумул муаммо ҳам ўз ечимини қўтаётганидан бугунги кунда дунё жамоатчилиги тобора кенгроқ оғоҳ бўлмоқда.

Сақимурод РАҲИМОВ, УА шаҳрловчиси.

АСРГА ТЕНГДОШЛАР

КЕКСАЛАР ДУОСИ ЁР БЎЛСИН

Косонсой. «Бобурнома»да таъриф этилгандек, дилин яйратувчи, танга дармон берувчи оромбахш бир маккан. Унинг суви зилол, хавоси мусоффо. Шу ул сабаб тоғ ёнбағридаги бу мўъжазгина шаҳарчада асрнинг тенгдош пиру бадавлат нуронийларимиз анчагина.

Бу шаҳарда ҳозирги кунда ўндан ортиқ ана шундай мўътабар отахону онахонларимиз бор. Кўпгина ташкилотлар бу табарқор кексаларни ўз оталиғига олишган. Бошқалар ҳам уларнинг ҳолларидан бохабар бўлиб туришади. Туманининг табарқор онахони 117 ёшли Хосиятхон мома Эргашева ҳатто неварачеvara ва эвараларининг ҳисобига етолмас эканлар.

«Бухоро» жамоа ҳўжалигида истиқомат қиладиган 108 ёшли Комилабиби Фазлиддинова, 104 ёшли Зайнаббиди Қирғизова, 107 ёшли Ханифа Мирзараҳимова ва Лазоат Дўстматова каби онахонлар туманининг фахри саналади.

Биз аср тенгдошларидан бири Ҳожихон

Хайитбой ЭРГАШЕВ, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

КУЛГИ ДАРФАЛАРИНИНГ КЕНЖА АВЛОДИ

ҚИЗИҚЧИЛАР САҲНАДА БЕЛЛАШДИЛАР

— Қовоғидан қор ёғадиган, тунд, серзарда кишиларни қани бир қудириб қўринг-чи? Лекин ёш асқиячи укаларимиз уларни қўзларидан ёш чиқартириб, қоринларини чангаллатиб қудирдиши, — деди беллашуво ҳақамлик қилган таниқли бастакор, асқиячи Фуломжон Рузиев. Шаҳрихон шаҳар ҳоқимлиги ҳамда шаҳар маданият бўлими ҳамкорлида ўтказган асқиячилар беллашувида талантли, қобилиятли қизикчилар аниқлаб...

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗЛИКНИНГ ОЛТИН БЕШИГИ

Тасаввуфнинг умуминсоний муштарак улуг мақсадларга хизмат қилувчи таълимотлар қаторига қиришининг боиси шундаки, унинг замирида диний мутаассиблик эмас, балки динлараро мулоқотни кенгайтириш, замин барча учун баробар яратилганлиги, одам ва унинг одий хилқати бўлиши инсонлар яккаю ягона Аллоҳнинг бандаси эканлиги ҳақидаги гоё ётади.

Таниқли олим, профессор Н. Комилов каламига мансуб «Тасавуф» (Т. 1996) китобида ушбу таълимот моҳиятининг янада ёркиноқ очиб берилган гоёси умумайёрий моҳиятта эга десак, хато қилмаймиз. Қариб 13 асрлик тарихга эга бўлган бу таълимот бошқа айрим мафкурапарлардан фарқи равишда ҳаёт синиғидан ўтиб, миллий хилқат даражасига кўтарилади. Тасавуф бугун тарққити давомида мутаассиблар томонидан уюштирилган ҳужумларга берди беа олди. Агар масалага жиддий ёндашсак, тасавуф тарикати намоёндаларининг сый-ҳаракатлари туғайли жаҳон динлари ўртасидаги муносабатларда маълум маънода мулоқот ўрнатилган, оддий мулоқот бўлмайди. Профессор Н. Комиловнинг асари орқали тасавуф тўғрисида етарли маълумот оламиз. Тасавуф таълимоти узоқ йиллар давомида Машриқдан Мағрибгача, умуман, бутун Фарбий яримшарга турли йўллар билан тарққилган. Унинг намоёндалари, ташвиқотчилари орасида Моvароуннаҳрдан то Андалусия (Испания)гача, Ҳиндистондан Кавказгача бўлган ҳудудда яшаган турли халқларга мансуб кишилар бўлган. Шарқ фалсафий тафаккурининг ривож тарихида қомил инсон ва унинг ахлоқ муаммоси алоҳида эътибор тутган. Тасавуф эса инсоният яратган маънавий маданиятнинг ажралмас бўлиб сифатида қар топиб келадиган тафаккурнинг махсули сифатида, муаллиф таъкидлаганидек, парчи ислом бағрида ниш ўриб, Қуръон ва ҳадислар ҳикматида озиқланган, кўп ҳолларда шарият аҳқомига суянган бўлса-да, лекин ўз рақимий диний ақидаларастлик ва мутаассибликка ҳамда айшу ишратга, Ғарб турмуш тарзи, талончилик ва манфаатпарастликка қарши курашиб, ҳақиқатни билдиши ва унга амал қилиш, алоқотли қарор топтириш, инсонга меҳр-шафқат қўратиб, ноҳор ва муҳтожларин қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий мадад бериш, оғирини енгил қилиш гоёларини илгари сурган. Тасавуф аҳли футуват (жавонмардлик) билан қўшилиб, ҳақиқат йўлида хайрли ишларни амалга оширгайлар. Улар — Инсон, озодлик, эркинлик гоёсини илгари сурдилар. Шунинг учун ҳам тасавуф нафақат...

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ.